



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
14 ноябрь
ШАНБА
№ 91
(12.207)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Қишлоқ мулкадорлари

ЎЗ БОҒИНГНИ МЕВАСИ ШИРИН

Тошкент шахрида яшил белбоғдек ўраб турган сабзавоткор туманларда маҳсулот етиштиришни экин майдонларини кенгайтириш ҳисобида кўпайтириш имкониятлари чекланган. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли ҳосилдорликни оширишдир.

Фермер ҳўжаликлари шу шароитдан келиб чиқиб, бор имкониятларни сабзавот экинлари, боғ ва тоқзорлар ҳосилдорлигини оширишга қаратмоқда.

Қибрай туманидаги Холдор Обидов бошлиқ фермер ҳўжалиги галла ҳосилдорлигини 55-60 центнерга кўтарганига анча бўлди. 7 гектарли олмасор ҳам ҳар йили мўл ҳосил тўқаяпти. Гап шундаки, фермер боғларни узлуксиз "таъмирлаб" боришни одат қилган. Ҳар йили ноёб навли ёш олма кўчатлари экилади. Шу тарзда ёш дарахтлар мевага киргунча, шароитга обдон мослашиб олади.

СУРАТЛА: фермер Холдор Обидов набираси билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ҳар қандай оилада фарзанд энг олий ноъमत сифатида эъзозланади. Ҳар бир давлат ўз келажагини, куч-қудратини барқарор авлод, маънан етук, жисмонан бақувват фарзандлар камалида кўради. Ҳар қандай бола туғилганидан оқ доний эътибор ва ҳимояга муҳтождир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан "Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция" қабул қилинишининг сабаби ҳам шундадир.

Тошкент шахрида ушбу конвенция қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган давра суҳбат ўтказилиб, унда республика оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда болаларнинг бугунги ҳаёти ва турмуш тарзи тўғрисида кенг жамоатчиликни ҳабардор қилиш орқали болалар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда ҳамда

давлат ва жамоат тузилмалари эътиборини болаликни муҳофаза қилиш муаммоларига жалб этишда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди.

— Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинган, — деди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Махбуб Шариф. — Ўзбекистон бу конвенцияга биринчилардан бўлиб қўшилди. Ҳозирги кунда унинг қоидаларига амал қилишни таъминлаш бўйича изчил чора-тад-

бирлар қўрилмоқда. Мамлакатда болаликни муҳофаза қилишга бағишланган энг муҳим қонун ва конвенциялар қаторига "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, "Болалар омонлигини таъминлаш бўйича ҳаракатлар режаси" ва бошқа муҳим ҳужжатлар киради. Яъни, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ҳимоясига муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масала сифатида қараб келинмоқда. Ўтказилаётган барча тадбирлар, семинар-тренингларда кенг жамоатчилик, хусусан оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол қатнашмоқда. Бу эса, келгусида Ўзбекистон билан ҳамкорлигини давом эттириш учун замин яратди. Ҳозир биз янги дастур устида иш олиб бормоқдамиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Анжуман

РЕПОРТЁРЛИК МАҲОРАТИ

бугун қай тарзда намоён бўлмоқда?

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Босма ва интернет нашрларда репортаж тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этди. У Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотихорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилди. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш мақсадида соҳанинг жадал ва изчил ривожланиши учун зарур қонун ҳужжатлари, меъриий-ҳуқуқий асос яратилди. Айтиш мумкинки, қатор давлат ва нодавлат, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини шу асосда йўлга қўйди. Уларнинг ҳар бири ўз йўналиши ва ху-

сузиятидан келиб чиқиб, зарур ахборотни жамоатчиликка етказиш билан шуғулланади.

Шундай катта ахборот оқими ортиши билан, унинг керакли ва тушунарли тарзда кенг аудиторияга тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади, — деди Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов. — Бу ўринда ахборотни саралашдан тортиб маълум мавзуда материал тайёрлашгача бўлган жараён журналистлардан катта билим ва маҳорат талаб этади. Уларнинг фаолиятини тезкор ва мукамал жанрлардан бўлган репортажиз тасаввур қилиб бўлмайди. Албатта, журналистик фаолиятнинг бошқа жанрлари каби репортаж тайёрлашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, талаб-меъзолилари бор.

Тадбирда журналистик фаолиятнинг ушбу муҳим жанри ҳуқуқий асослари ва бугунги матбуот саҳифаларида чоп этилаётган репортажлар сифати ва савияси тўғрисида сўз юри-

Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да 5-халқаро иқтисослашган фармацевтика кўргазмаси ўз иштини якунлади. У "ZagExpo" миллий кўргазма компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни

сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Дори-дармон", "ЎзФармасаноат" компаниялари, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш илмий маркази кўмагида ўтказилди.

КЎРGAZMAДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП БЎЛДИ

Кўргазманинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ҳозирги пайтда фармацевтика доридармонларини ишлаб чиқаришга бағишланган ягона тадбир ҳисобланади. У доридармон маҳсулотлари, бир марта ишлатишга мўлжалланган буиомлар, назорат-ўлчаш ва мослаш апаратлари, лаборатория жиҳозлари, табиий дорилар, ўсимлик экстрактлари каби бозорлардан иборат бўлди. Кўргазмада ўзбек фармацевтика бозорида фаолият юритаётган 30 дан ортиқ миллий ва хорижий корхона ва фирмалар иштирок этди. Россия, Покистон, Хиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия, Саудия

Арабистонидан ҳам иштирокчилар бўлди. — Мутахассислар бу каби форумларнинг аҳамиятини бизнес-контактларнинг кенгайтиришда ва бозорнинг маълум сегментини сотишга мўлжалланаётган маҳсулотларга талабнинг шаклланишида деб баҳолашди, — деди "Дори-дармон" акциядорлик компаниясининг раҳбари У. Солиҳбоева. — Шунга кўра ўтказилган кўргазманинг асосий мақсади, истеъмолчиларга фармакология соҳасидаги янгиликларни намойиш этишдан иборат эди. Халқаро фармацевтика кўргазмалари тажрибаси шуни кўрсатадики, айнан улар фармацев-

тика тармоғи корхоналари учун ўзларини намойиш этиш, ўз ютуқлари ҳақида бохабар этишининг энг яхши, асосийси, натижа берадиган усулларидан бири ҳисобланади.

Аҳамиятли томони шундаки, бундай нуфузли кўргазмада Қибрай туманидаги жарроҳлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Кетгут-Сил", дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи "Nraf Fargals" ҳамда Зангиота туманидаги фаол кальций воситасини тақдим этаётган "Fargovon-Farm" корхоналари фаол иштирок этдилар.

Ҳуррият МҲМИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар арафасида қишлоқ ва маҳаллаларда сайлов қонунчилиги, мамлакатимиз сўнгги йилларда эришган ютуқларга бағишланган суҳбатлар ўтказилди. Айниқса, сайлов округларида бу жараён қизинг тус олди. Сийсий партияларнинг тарғиботчилари, маънавиятчилар турли давраларда жамиятти янада демократлаштириш йўлидаги ислохот самаралари ҳақида гапириб, яқинлашиб келаётган сайловлар бу борада янги муҳим босқич бўлаётганини таъкидлашди.



27 декабрь — сайловлар куни

ТАШКИЛИЙ ИШЛАР АВЖИДА

Чиноз туманида бўлиб, 85-округ сайлов комиссияси аамалга ошираётган сайловолди тайёргарлигининг бориши билан танишдик. Бу ерда ташвиқот-тарғибот ишлари изчил ташкил этиляпти.

— Мустақиллик йилларида қишлоқларимизнинг киёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 85-округ сайлов комиссияси

раиси Мазбур Маҳамов. — Айни пайтда ҳамқишлоқларимиз турмушида, дунёқарашда, орзу-интилишларида ҳам ўзгаришлар юз бераётди. Бўлажак сайловга тайёргарлик давомида бу янгиланишлар айниқса, яққол намоён бўлаётди. Мамлакатимиз парламенти қандай депутат сайланишига бугун ҳеч ким бефарқ эмас. Бу сайловлар фаоллик билан ўтишдан далолат.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: туманда сайловга тайёргарлик қизгин; 85-округ сайлов комиссияси аъзоси Холида Жабборовна (пастдаги сурат, чапдан иккинчи) сайловчилар билан суҳбатлашмоқда. Собиржон СУФАРОВ олган суратлар.

Вилоят ҳокимлигида

ХОЛИСЛИК — БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотида муносиб номзодларни танлаш ва республика танловига тавсия этиш юзасидан вилоят комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда кўрик-танловни ўтказишда масъул бўлган барча ходимлар, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари аъзолари иштирок этди. Йиғилишда Зулфия номидаги Давлат мукофоти вилоят комиссияси қoшида номзодларнинг фаолиятига доир материалларни ўрганиш ва таҳлил этиш бўйича ишчи гуруҳлар таркибини шакллантириш, танловнинг вилоят босқичи ҳолисона ўтишини таъминлаш, тавсия этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Зулфия

номидаги Давлат мукофотида тақдим этиш йўриқномаси талаблари асосида топширилишига қатъий риоя қилиниши ҳақида сўз борди.

Шунингдек, республика Президентининг 2006 йил 2 февралдаги Фармони асосида мукофот Низомига киритилган ўзгаришга кўра, танловда 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган номзодлар иштирок этиши мумкинлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ТАДБИР МАВЗУСИ — ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ

Пискент тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори Зокир Зуннунов билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув мавзуси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва уни мамлакатимиз шароитида бартараф этиш масалаларига бағишланди.

Сўзга чиққанлар асосий эътиборни иқтисодий инқирознинг оқибатларини юмшатиш бўйича барча соҳаларда олиб борилаётган ишлар, эришилаётган натижалар ва галдаги вазифаларга қаратишди. Тадбирда ўртага ташланган масала юзасидан туманда олиб борилаёт-



ган саъй-ҳаракатларга атрофлича баҳо берилди.

Савол-жавоблар, муҳокама ва мунозаралар тадбирнинг қизикарли ўтишини таъминлади.

Ирода МАКСУД қизи.

ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган "Янги авлод — 2009" болалар ижодий фестивалининг республика босқичи бошланди.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ғолиблари иштирок этди.

Фестиваль доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида фестивалнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши иштирокчилари ижодида бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди.

Фестиваль совриндорларини тантанали тақдирлаш ва улар иштирокидаги катта концерт 17 ноябрь куни ўтказилди.

ЎЗА.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Бекобод – вилоятимизнинг йирик, салоҳиятли шаҳарларидан ҳисобланади. Худудда 35 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, 87 мингдан зиёд турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Шаҳарда 17 та умумтаълим мактаби, 25 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та касб-хунар коллежи, 14 та соғлиқ сақлаш ва бошқа ижтимоий-маданий муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ барча умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш муассасалари замон талаблари даражасига келтирилди. Сўнгги 2-3 йил мобайнида барча шарт-шароитларга эга 3 та замонавий касб-хунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда 15 минг томошабинга мўлжалланган футбол стадиони, ёпиқ сув ҳавзаси, "Ёшлик" спорт мажмуасини қуриш ишлари жадал суръатда давом эттирилмоқда. Бу ишларга жами 11,1 миллион сўм маблағ ажратилди. Утган йили ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 та 32 хонадонли ва 1 та 48 хонадонли кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилганидан аҳолимиз жуда хурсанд.

Бекобод саноати ривожланган шаҳардир. Бу ерда республикада ягона бўлган "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бirlашмаси, шунингдек, "Бекободцемент", "Бекободцемент", "Бекободцемент", "Бекободцемент" ва бошқа нуфузли корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

ЭЪТИБОР – СОНГА ЭМАС, СИФАТГА

2009 йилнинг 10 ойи якуни бўйича шаҳар иқтисодиётини янгилаш, ислоҳ қилиш жараёни ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 109,7 фоизга, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 112,7 фоизга, ташқи савдо айланмаси 105,5 фоизга баъзилариди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда шаҳар ҳокимининг ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг

2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашни таъминлашга йўналтирилган қарорининг ижросига жиддий киришилди. Унга кўра, шу кунгача қозонхоналардан 6 таси ҳамда қозонлардан 16 таси жорий беришда узлишлар бўлиб, 39 километр иссиқлик, 8 километр газ

278,7 километр узунлидаги газ қувурлари ва 106 та газ тақсимлаш нүктаси ёрдамида истеъмолчиларга узлуксиз табиий газ етказиб берилди. "Сувоқава" корхонаси ҳодимлари мавсумда ичимлик сувини етказиб беришда узлишлар бўлиб, 39 километр иссиқлик, 8 километр газ

бир Раҳимов кўчаси ва "Сирдарё" кўчаларини таштирувчи 800 метр масофадаги янги йўл қурилиши интиқлик билан кутарди. Мана, ният, бу эзгу иш ҳам амалга ошадиган бўлди. Айни кунларда мазкур қурилиш жадаллик билан олиб боришмоқда. Бунинг учун ҳомий корхона ва ташкилотлар ўзларининг 60 миллион сўм маблағларини аямасди.

Куз-қиш даврида нархнаволарнинг асосий равишда олиб кетишига йўл қўймаслик учун шаҳардаги савдо корхоналари, ташкилот ва муассасалар томонидан 6,1 минг тонна турли озиқ-овқат маҳсулотларининг захирасини тайёрлаш кўзда тутилган эди. Бугунги кунга қадар уларнинг 60,7 фоизи оғирларга жойланди.

Бекобод шаҳар ҳокимлиги бундан кейин ҳам аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг тинчлиги ва оқилолигини сақлаш бўйича белгиланган тадбирларни тўлиқ ва самарали амалга ошириб бораверади. Барча куч ва имкониятларимиз мана шу эзгу вазифага қаратилган.

Абдумавлон АБДУЛАЙЕВ, шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммуникация, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича бош мутахассиси.



У БИЛАН ФАХРЛАНИШАДИ

Бекободликлардан: "Олимжон Тўйчиевнинг танишми?" деб сўрасангиз, катта-ю кичик: "Ҳа, албатта, танишимиз, у бизнинг қаҳрамонимиз-ку!" деб фохрланишади. У кўп йиллардан бундан "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик

ишлаб чиқариш бирлашмасида электрдда пўлат эритиш цехи эритувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Муваққиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида Ўртабоси-

миз Фармонида мувофиқ улкан хизматлари ва узок йиллик самарали меҳнати учун Олимжон Тўйчиев "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланди.

СУРАТДА: Олимжон Тўйчиев (чапда) шоғирлари даврасида.

ШИРКАТЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Ҳозирда шаҳарда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг сони 45 гага етди. Улар мавжуд 442 та кўп қаватли уйлارга сифатли хизмат кўрсатяпти.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Ширкатларнинг бугунги фаолияти нимага асосланган? Ишлар нимага асосланган?

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелдаги "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни эълон қилинган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ширкатлар фаолият юрита бошлади. Ширкат нодавлат нотижорат тузилма бўлиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотдир. Ширкат мулкдорларига, яъни улар хусусийлаштирилган уй-жойнинг умумфойдаланиш қисмларига техник, коммунал хизматлар (газ, сув, иссиқлик таъминоти, иссиқ сув, электр тармоқлари) кўрсатади. Ширкат фаолиятини нафақат унинг тафтиш комиссияси ёхуд уюшма, балки ҳар бир мулкдор назорат қилиши мумкин.

2006 йилнинг 12 апрелида Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ривожлантириш ва тураржойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича шаҳримизда бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда шаҳримиздаги ижтимоий-маданий муассасаларнинг барчаси 2009-2010 йил куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилди. Шунингдек, манзилли дастурга 1991 йилгача қурилган 54 та кўп қаватли уй-жой фондиди муаммал таъмирлаш киритилган. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси 3 та

пудратчи корхона билан шартномалар имзолаган бўлиб, бу ишлар ҳам низо-ясига етказилмоқда. Республика Президентининг 2009 йил 29 январдаги "Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ташкил қилинган "Bekobod-yodgor-qurilish" масъулияти чекланган жамияти томонидан шаҳарнинг "Саломатлик" кўчасидаги мавжуд 15 та кўп қаватли уй-жойнинг фасад қисми ҳамда кириш йўлакларини таъмирланди. Бунга ҳомий корхоналар ва мулкдорларнинг 15 миллион сўм маблағи сарфланди. "Омад" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати эса, 12-даҳадаги 3 та кўп қаватли уй фасадини 8,14 миллион сўм ҳисобига муаммал таъмирлади.

Умуман олганда, шаҳардаги кўп қаватли уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида ширкатлар томонидан 2009 йилнинг 9 ойи мобайнида 92,7 миллион сўмлик жорий ва муаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Муҳандислик коммуникацияларини созлаш, иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига техник хизмат кўрсатишга эса, 19,2 миллион сўм йўналтирилди.

Мардикул БОЗОРОВ, шаҳар ҳокимлиги коммунал соҳаларда ишловларни амалга ошириш департаменти раҳбари.

Бекобод шаҳри:

ҲАРАКАТЛАР КўЛАМИ Салоҳиятга яраша

Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидидаги 17 та умумтаълим мактабиди 14 минг 99 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Фар-

зандларимизнинг муносиб билим олишлари учун 786 нафар педагог масъулдир. Уларнинг 592 нафари олий маълумотли.



ҲАММАСИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

2009-2010 ўқув йили Халқ таълими вазирлиги томонидан "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш йили" деб эълон қилинди. Бу эса, биз таълим мутасаддилари олдидаги масъулиятни янада ошириб, ишимизга нисбатан талабни кучайтирди. Хусусан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда 2004-2009 йилларга мўлжалланган "Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури" доирасида шаҳарда бир қанча эзгу ишлар амалга оширилди.

Жумладан, мактабларнинг барчаси 2004-2006 йилларда "Ўзметкомбинат" корхонаси ҳомийлигида капитал таъмирланди ва зарур ўқув жиҳозлар билан таъминланди. Таълим муассасаларининг ҳудудлари ободонлашти-

рилиб, кўркам қиёфага келтирилди. Режага киритилган мактабгача таълим ҳамда бошқа муассасаларимизда ҳам бу каби ишлар якунига етай, деб қолди.

Эндилликда бизнинг олдимизга қўйилган талаб фақатгина таълим самарадорлигини оширишдан иборат. Ўртабосимиз таълим биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Шунга кўра, жорий йилнинг 9 ойи натижаларига назар солса, таълим муассасаларимизда ибратли ишлар олиб борилади. Фан ойлуклари, маънавий-маърифий тадбирлар, семинар-кеңашлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Улар қўлгали натижадан бераётганлиги қувонарли, албатта. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш, уларга методик кўмак бериш

ҳам тизимли равишда йўлга қўйилган. Ҳеч бир битирувчимиз таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинмасдан қолмаяпти. 2008-2009 ўқув йилида жами 1772 нафар ўқил-қиз мактабларини битиришган бўлса, уларнинг ҳаммаси шаҳримиздаги ва бошқа ҳудудлардаги академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларига жойлаштирилди.

2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та болалар мусика ва санъат мактаби ҳамда болалар ижодиёти марказлари иш-лаб турибди. Уларда 59 та фойдаланиш тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда. Буларга 321 нафар таърибали, маҳоратли ўқитувчи ва мураббий қўли қилинган.

26 август кўни педагог ҳодимларнинг аънавий анжумани ўтказилганидан кўпчилигининг хабари бор.

Ўшанда биз ҳам келгуси ўқув йилида бажариладиган ишлар хусусида келишиб олдик. Анжуманда илгор педагогларимиз муносиб тақдирланди. Меҳнатларимизнинг натижасини кўриб, дилдан қувондик.

Таълим муассасаларини кузги-қишги мавсумга тайёрлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Иссиқлик тизими ва қозонхоналарнинг соғлиғи жиддий кўриқдан ўтказилди. Хусусан, бинолар куз-қиш мавсумида барқарор ишлаши учун шай ҳолга келтирилди. Хуллас, бу қишда ҳеч бир мактаб иситилмасдан қолмайди. Ўқувчиларимиз иссиқ ва шинам синф хоналарида мириқиб дарсларини тинглашади. Барча тўғрақ ва машғулотлар ўз вақтида ўтади.

Раҳматулло ҲУСАНОВ, шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

СОҒЛИҚ БўЛСА, ҚОЛГАНИ ТОПИЛАДИ

Соғлом одам табиатнинг бебаҳо дурдонасидир. Фақат соғлом одамгина соғлом фикрлайди, яратувчанлик қобилиятига эга бўлади ҳамда жамият ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади.

Шаҳримизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун бор куч-имкониятлар ишга солиняпти. Айниқса, бу йил соҳадаги ишларимиз янада жонланди. Бу борада мамлакатимиз раҳбарининг шу йил қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодини шакллантириш тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари муҳим омил бўляпти. Қолаверса, шаҳар ҳокимлиги ва тиббиёт бирлашмасининг қўшма дастури ишлаб чиқилди. Дастур асосида шаҳар марказий шифохонаси ва поликлиникаларида штаблар ҳамда шаҳар жамоатчилик кенгаши тузилди. Уларга маҳалла ва кўчалар кесимида 596 нафар тиббий ҳодим бириктирилди. Тиббиёт ва иқтисодий аҳоли ночор бўлган аҳоли қатламларига жамоатчилик асосида кўмак берилмоқда. Муаммолар, нотинч, ноқобил оилаларни аниқлаб, уларнинг маънавий муҳитини яхшилаш бўйича режа асосида соғломлаштириш ишлари ташкил этилди. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла фаоллари билан биргаликда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Шаҳримиз аҳолисининг 43581 (49,7 %) нафари аёл бўлиб, шулардан 21270 (48,8 %) нафари туғиш ёшидадир. Дастурда белгиланган режа асосида шу йилнинг 9 ойи давомида уларнинг 11711 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўриқни ўтказишда 6618 аёлда экстрагенитал касалликлар борлиги аниқланди. Шулардан 3778 нафари амбулатор ва стационар шартларда соғломлаштирилди.

14 ёшгача бўлган 7085 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилганида эса, уларнинг 3203 нафариди турли касалликлар қайд

этилди. Уларнинг 1097 нафари амбулатор ва стационар шартларда даволанди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури бўйича бирлашманинг махсус дастури ишлаб чиқилган. Унда режалаштирилган ишлар учун 39,4 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилиб белгиланди. Утган 10 ойда "Саломатлик-2", "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" инвестиция лойиҳалари бўйича туғруқ муассасалари учун 31,6 миллион сўм миқдорда тиббий асбоб-ускуналар олинди. 4 нафар болакайга ортопедик анжонлар олиш учун 640 минг сўм ажратилди. Каттаракта билан касалланган кўзи ожиз 2 нафар қария реабилитация қилинди. Шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларимизда 2174 бемор даволанди, 5561 кишига амбулатор, 189 фуқарога тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

Тиббиёт соҳасини мустаҳкам техник базасида тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабаб биз ҳам бирлашманинг тасарруфидидаги муассасаларнинг техник базасини мустаҳкамлашга кечиктириб бўлмас вазифа сифатида эътибор қаратяпмиз. Ҳозирда шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимида 14 автотранспорт бор. Беморларга ёрдам кўрсатиш учун ҳар бир тез ёрдам гуруҳида 40 дан ортиқ номдаги дори-дармон захиралари ташкил қилинган. Навбатчи ва ҳаракатдаги гуруҳлар ўртасида доимий алоқа ўрнатилган. "Саломатлик-2", "Шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш" инвестиция лойиҳаси бўйича Корея Республикасининг грант маблағлари ҳисобига келтирилган "Хундай" русумли тез ёрдам автотомобили ҳам хизматда.

Бахтиёр ЯРЛАҚАБОВ, шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи. СУРАТДА: шаҳар тиббиёт бирлашмаси рўйхатхона ҳодимаси Саодат Исмоилова қабулга келган беморни қайта эътиш чоғида.



ҚИСҚА САТРЛАРДА:

Шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида "Ёш оила мактаби" ташкил қилинди. Жорий йилда 452 келин-кўев тиббий кўриқдан ўтганларидан кейин мазкур мактабда ўқишга жалб этилди.

2009 йилнинг 10 ойи давомида шаҳар тиббиёт бирлашмасида 72 нафар тиббиёт ҳодими янги-дан иш бошлади. Шунингдек, 31 нафар шифокор, 34 ёш кадр, 235 тиббиёт ҳодими назарий ва амалий билимларини оширдилар.

Шу йилнинг ўзиди шаҳарда 2716 та янги иш ўринлари яратилди, шундан 434 таси касалликлар асосидадир. 2008-2009 ўқув йилида касб-хунар коллежларини 1578 нафар ўқувчи битирган бўлиб, уларнинг 1171 нафари, яъни 74,2 фоизи иш билан таъминланди.

СУРАТДА: шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоира Абдурахмонова (чапдан учинчи) фаоллар билан киш мавсумига тайёрларлик борасида амалга ошириладиган ишлар хусусида фикрлашмоқда.

Саҳифа материалларини "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари Хуршида НАЗАРОВА ва Даврон АХМЕДОВ (суратлар) тайёрлади.

